

Конституция менинг тақдиримда

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримов ташаббуси билан 1992 йил 8 декабрь куни Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилингани мамлакатимиз тарихи зарварақларига зарҳал харфлар билан битилган. Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессияси давлатимизнинг Конституциясини қабул қилиб, 8 декабрь умумхалқ байрами, деб эълон қилинди.

Ушбу байрамни халқимиз мамлакатимизда адолат, қонун устуворлигини таъминлаш, эркин демократик фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлида ишончли қадам ташланган кун тариқасида ҳар йили тантанали равишда нишонлаб келмоқда.

Шу муносабат билан республикамизнинг барча муассасаларида қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, жорий йилнинг 2 декабрь куни Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорт агентлигида “Конституция менинг тақдиримда” мавзусида маънавий тадбир бўлиб ўтди.

Агентлик бошлиғи ўринбосари Ш.Шоваҳабов тадбирни очиб, сўз навбатини Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, “Олтин қалам” мукофоти совриндори, филология фанлари номзоди, доцент Тўлқин Эшбекга берди.

- Конституция инсон, унинг ҳаёти, озодлиги, кадр-қиммати ва бошқа ҳуқуқларини олий қадрият сифатида тан олувчи суверен демократик давлат барпо этишнинг ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилиб келмоқда,– дейди, маърузачи. - Асосий Қонунимиз - Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ривожланган давлатларнинг тарихи ва жаҳон тажрибаларига асосланиб, шунингдек, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳужжатларига, Инсон ҳуқуқларининг Умумжаҳон Декларациясига, халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган нормаларига мослаштирилиб яратилиб, ижтимоий ва сиёсий ҳаётда ўз ўрнини эгаллаётган ўзгаришларга кўра такомиллаштирилиб борилмоқда.

Конституциямизнинг асосий сиёсий аҳамияти шундан иборатки, у жаҳон аренасида мустақил Ўзбекистон Республикасининг пайдо бўлишини қонун йўли билан тасдиқлаб берди. Унинг энг аҳамиятли томони ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқий статусини белгилаш билан бир қаторда, ижтимоий ва давлат тузумини, олий ва маҳаллий ҳокимият органларининг ўзаро муносабатини ташкиллаштиришдан, шунингдек давлат бошқарув органларини қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти органларига бўлишидан иборат эканлиги, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси - тенглар ичида тенг давлат, мустақил диёрнинг мустақиллигини ёрқин намоён этувчи асосий ҳужжат, бахтимиз қомуси, халқимизнинг ору номуси. Негаки, унинг ҳар бир моддасида, ҳар бир бандида халқаро ҳуқуқ меъёрлари ҳам, миллий бағрикенглик тамойили ҳам акс этиб туради. Эркин ва обод жамият ҳамда, ҳуқуқий-демократик давлат барпо этиш ғояси Қомусимизнинг асосий мазмунини ташкил этишини маърузачи айтиб ўтди.

Маъруза давомида Конституциямиз жаҳон ҳамжамияти томонидан тан олинган инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини, давлат суверенитети принципларини, ҳозирги ва келажак авлодлар олдида масъулиятни, демократия ва ижтимоий адолат ғояларига содиқликни, халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган қоидаларининг устуворлигини, фуқароларга фаровон ҳаётни яратиш, фуқаролик жамиятини барпо этиш ва миллатлараро тотувликни таъминлашга қаратилган мақсадларни кўзлаши, Конституция - Асосий Қомусимиз сифатида жамиятнинг ҳар томонлама камол топишида дастуруламал эканини англаб етишдир. Бинобарин, Қомусимиз – номусимиз экани, фуқаролар нафақат эркинликларга, балки бир қатор бурчларга ҳам эгаллигини ҳис этиб бориши зарур. Айниқса, униб-ўсиб келаётган ёш авлод тарбиясида, ҳуқуқий-демократик давлат қурилаётган бир пайтда, Конституцияни чуқурроқ ўрганиш ва кундалик фаолиятимизда оқилона қўллай олиш барча учун ҳам фарз, ҳам қарзидир эканлиги таъкидлаб ўтилди.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримов таъбири билан айтганда : “Қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот тантана қилмас экан, ҳуқуқий давлат қуришни тасаввур қилиб бўлмайди. Қонуннинг устуворлиги – ҳуқуқий давлатнинг асосий принциpidир. У ҳаётнинг барча соҳаларида қонуннинг қатъиян ҳукмронлигини назарда тутди. Ҳеч бир давлат органи, ҳеч бир хўжалик юритувчи ва ижтимоий-сиёсий ташкилот, ҳеч бир мансабдор шахс, ҳеч бир киши қонунга бўйсунмиш мажбуриятдан халос бўлиши мумкин эмас. Қонун олдида ҳамма баробар”.

Маъруза мавзу юзасидан савол-жавоб ва қизгин мунозараларга уланиб, йиғилганлар жуда зарур ижтимоий-ҳуқуқий билимларга эга бўлишди.

Тадбирда Агентлик Марказий аппарати, АТРНТТ Республика маркази, Автодарётранс-Илм давлат илмий-методик маркази, Агентликнинг Тошкент шаҳри ва вилояти ҳудудий бўлимлари ходимлари иштирок этишди.

Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги Ахборот хизмати

